

“Одамнинг идеал дунёси ва реал дунё учрашган нуктада фожиа — Хазрати Инсон фожиаси майдонга келади”

Гарб уйғониш адабиётининг йирик вакилларида бири Сервантес ижоди, хусусан, унинг дунёга машхур «Дон Кихот» асари жахон адабиётшунослари томонидан кўп ўрганилган. Аммо бу йўлдаги тадқиқотлар ҳамон давом этмоқда ва ўйлашимча, Сервантес ижодини ўрганиш жараёни асло тўхтамайди, ҳар бир давр унинг «Дон Кихот» асаридан ўзи учун муҳим бўлган нарсани кашф этади. Бошқача айтганда, бу гамгин киёфа рицар асрлар оша қайта тугилаверади, янги аср кишисига айланаверади.

Ҳақиқатан ҳам, бу асарни ҳар қайси давр, жамият, муҳит ва шахс ўзича талкин этиб келади. Роман ёзилган даврдан бошлаб халигача «Дон Кихот» Ўрта аср Европа рицар романларига пародия ўларок ёзилди, деган фикр етакчилик килади. Бунга кўра, авантюра сюжет, фантастик элементлар ва романтикадан иборат рицар романлари «Дон Кихот» дунёга келган вақтдан бошлаб ўқувчи олдидаги мавқеини йўқотди. «Дон Кихот» анъаналар гирдобиди меровланиб қолган ўқувчи тафаккурида фавқулодий инкилоб ясади. Бошқа бир талкинга кўра, Сервантес рицар романига ҳос шакл воситасида чуқур ижтимоий мазмунни ифодалаган, ўзи яшаган тузум, давлат сиёсати, Уйғониш арафаси Испаниясига ҳос чиркин муҳитни танқид остига олган. Бир тоифа ижодкорлар Дон Кихот тимсолида романтизм эстетикасига қаратилган найзани кўрсалар, бошқалар асарни бутунча танқидий реализмга нисбат берадилар, баъзилари эса жахонгашта рицар шахсиятидаги чигалликлардан ақллари шошганини эътироф этадилар. XX асрнинг биринчи чорагида бадиий асар эстетикаси ва ижодкор психологияси билан шугулланган Сервантеснинг ватандоши Ортега-и-Гассет ўзининг «Дон Кихот» (1910) деб номланган тадқиқотида бу образ воқеликни модернистик талкин этишнинг илк намунаси эканлигини айтади. Шунингдек, ижод аҳли ўртасида бир қадар комизмга йўғрилган, аммо рационал мағиздан холи бўлмаган «Дон Кихот—ашаддий китобхон», деган фикрлар ҳам юради.

Умуман, бу асар тўғрисида хилма-хил, хатто бир-бирига зид фикрлар билдирилган. Аммо асар талқинидаги бундай эътиҳиятлар ўтган вақт мобайнида унинг ўқувчилари салмоғига салбий таъсир кўрсата олмаган. Статистик маълумотларга қараганда, бу асар энг кўп мутолаа қилинадиган асарлар ичида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Демак, Ламанчилик жахонгашта рицар муҳлислари кўпайса кўпаймоқдаки, асло қамайгани йўқ. Ва айнан шу нарса жахон тафаккур эгаларини хайратга солиб келмоқда. Ўқувчи ва Дон Кихот аро рухий муштараклик сабаблари ҳақида ўйлашга мажбур қилмоқда.

Асар ҳақида бизгача билдирилган фикрларда «Дон Кихот»нинг адабий-тарихий, ижтимоий-маданий, маиший-маънавий жараёнларда тутган ўрнига ургу бериб келинади. Шубҳасиз, бундай фикрлар романнинг бадиий функцияси, тарихий жараёнларнинг ҳос хусусиятларидан келиб чиқади. Шунга қарамайдан айни талқинлар муайян давр учунгина характерли эканлигини инкор этиб бўлмайди. Воқеан, XX-XXI аср ўқувчиси учун китобнинг Ўрта аср рицар романларига пародия қилиб ёзилганининг ҳам, ундаги ижтимоий мазмун ва танқидий реализмнинг ҳам у қадар қизиги йўқлиги қундай равшан. Негаки, ҳар бир ўқувчи муайян асарни мутолаа қилар экан, албатта, ундан рухий, бадиий

«манфаат» кидиради. Бундай «манфаат»ни топмаган ўқувчи мутолаани йигиштириб кўйиши аниқ. колаверса, бири тугаб, бошкаси ибтидо палласига кирган икки асрда инсон миясини банд этадиган ахборотлар шу қадар кўпки, бу давр ўқувчиларининг ҳар қандай юксак бадиият намунасини бошга кўтаришдан кўра, оёкости қилишлари ҳақиқатга яқинроқдир. Эътиборсиз қолдириш мумкин бўлмаган бундай мантик ва далиллар бугун ҳам кўлдан кўйилмай ўқилаётган «Дон Кихот» романи фойдасига гувоҳлик беради ҳамда ушбу мураккаб психологик жараён ҳусусида фикр юритишга рағбат уйғотади.

Ўйлашимча, «Дон Кихот» романи турли воситалар негизида энг муҳим умуминсоний муаммони — инсон ғожиасини вужуд ва руҳаро зиддиятни талқин қилади. Шунга кўра, Дон Кихот сахнага чиқиб, уни тарқ этгунча ўтган вақт инсон умрининг, сахна майдони эса инсон қалбининг реаллаштирилган, воқеалар тизимига солинган рамзидир. Худди шу жиҳати билан ҳам «Дон Кихот» на ижтимоий, на миллий, на антиклассик (бадиий аъъаналарни инкор этувчи), на сатирик, на комик, на романтик, балки шахс ғожиаси ҳақидаги асардир.

Кўпчилик ўртағиёна санъаткорлар сингари гениал санъаткор асари марказида ҳам ижодкор шахсияти, «мен»и туради. Аммо бу икки тоифа томонидан амалга оширилган бадиий талқинлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Ўртағиёна санъаткор бадиий талқини ўз «мен»и, у мансуб миллат доирасида қолиб кетади. Натижада бундай асарнинг умри ва маконий кўлами чекланиб қолади. Гениал санъаткор талқин этган «мен» эса индивидуал, миллий доираларга сиўмайди, универсал «мен»га айланади ва умуминсоний моҳият қасб этадики, бундай бадиий талқин макон ва замон чегараларини билмайди.

Буюк санъаткор Сервантес ва унинг «Дон Кихот» асари том маънода иккинчи тоифага мансубдир.

Мигель де Сервантес Сааведра ҳаёт йўли (1547-1616) ақсарият ижодкорлар ҳаёт йўлидан ўта машаққатли, ғожиаларга тўлалиги билан фарқ қилади. Мадрид яқинидаги Алькала де Энарес деб аталувчи мўъжаз шаҳарчада асли дворянин, аммо тирикчилик важдан табиблик билан шугулланаётган кашшок бир оилада дунёга келган чақалок Мигель ҳали қисмат унга қандай тухфалар тайёрлаб кўйганидан бехабар эди.

кашшоклик тамғаси уни ҳаёт томон кўйган илк қадамлариданок таъқиб эта бошлади. У айнан йўқчилик боис бошланғич билимларни муқаммал эгаллай олмади. Гарчи ўзининг тиришқоклиги, саховатпеша зиёли замондошларининг ҳаминқадар кўрсатган ёрдамлари эвазига адабиёт ва театр соҳасидаги билимидан биров қониқиш ҳосил қилган бўлса ҳам, 21 ёшли Мигель тирикчилик учун қардинал Аквавигга мулозим бўлиб Римга жўнаб кетишга мажбур бўлди. Лекин бундай хизмат уни қониктирмади. Оқибат, испан қироли Филипп 2 кўшинлари сафига қўнгилли аскар бўлиб ёлланди. Қелажагини жанговар сафарлар, жангу-жадаллар эвазига таъмин этмокчи бўлди. Бу йўлда бемисл қахрамонликлар кўрсатди. Чап кўлидан яраланиб, ногирон бўлиб қолди. Жанг суронлари босилиб, 27 ёшли Мигель ватанига қайтиш чоғида денгиз ҳарокчиларига асир тушади. Беш йил маҳбуслик машаққатини тартади. Бу орада бир неча бор қочишга уринади. Аммо ҳар сафар кўлга тушади, итоатсизлиги учун қаттиқ жазоланади. Ниҳоят, 1880 йилда дўстлари уни қатта пул эвазига асирликдан озод қилдилар. Ватан йўлида машаққат тартади, асирликнинг бемисл азобларини кўрган, жасурлиги учун Неополь вице-қиролининг маҳсус тавсия қозонган эга бўлган яримжон аскарни она тупроқ ҳушламайгина қарши олади. Асир тушгунга қадар Рим ва Неополда бир муддат яшаб, италян тилини ўрганган италия гуманист адиблари асарларидан илҳомланиб қалбида

ёзиш иштиёки пайдо бўлган ижодкор она юртида яна кашшоклик балосига дучор бўлади. Шон-шухрати йўлида жон фидо килган—Ватани уни одам каторида кўрмайди. Окибатда у ижодкор зоти учун ўта фожиали ва хакоратли бўлган қисмат ўйинини—тирикчилик учун ёзиш азобини татиб кўришга мажбур бўлади. Лекин бундай асарлар унга на шухрат, на моддий фаровонлик беради. Аксинча, кашшоклиги ва изтиробларини оширади. Тирикчилик учун давлат молия хизматида кирган Сервантес бундан-да огиррок зарбага учрайди. Бир сафар товламачи банкир катта пулга тушириб кетса, кейинги гал унинг ўзи йирик камомадга йўл кўяди. Шунга ўхшаш молиявий йўқотишлар боис у уч марта хамокка тушади.

Машхур «Дон Кихот» асари мана шундай рухий изтироблар, вахшиёна таъкиблар, мислсиз моддий кийинчиликлар шароитида (1605-1615) ёзилди. Бошқача айтганда, гайриинсоний мухит сўнгсиз ички изтироблар меваси бўлиб ушбу асар дунёга келди. Дархақиқат, Ламанчлик кашшок Идальго Дон Киханна шахсияти ижтимоий, иктисодий ҳолати, уни ўраб турган шафкатсиз мухит жихатидан Сервантес шахсиятига, унинг қисмати эса Сервантес қисматига ўхшаб кетади. қолаверса, кашшоклашган дворянларнинг иктисодий ва маънавий инкирози 15-16 аср Испанияси учун типик ҳодиса бўлгани тарихчи ва адабиётшунослар томонидан бот-бот таъкидланади. Аммо шу каби реал далилларга қарамадан, «Дон Кихот» романи реал воқелик ҳақида эмас. Бу асар инсон руҳияти, унинг ички дунёси хусусидадир. Унинг бош асоси бўлиб ҳаётда бахт топмаган Сервантес шахсияти хизмат килган. Айнан шу боис ҳам роман замонлар, шарт-шароитлар ўзгарса-да, яшашда давом этмоқда.

Кандай дорилмон замонда яшамасин ҳаётга теран тафаккур, покиза қалб кўзи билан назар солган инсон бундай ҳаётдан қоникмайди. Қалбнинг эзгу эҳтиёжлари вужуд истаклари билан зиддиятга киришган илк дақиқалардаёқ инсоннинг ботиний дунёси муҳораба майдонига айланади. Қалб ва вужуд салтанатлари ҳеч қачон сулҳга қелолмайди, жангсиз бир дақиқа ҳам яшаши мумкин бўлмай қолади. Лекин бундай жангда қайси томон ўолиб қелмасин, ўша лаҳзада инсоннинг асил моҳиятига путур етади. Шу боис инсон зоти борки, романтикага мойил бўлади. Ўта оптимист одам ҳам бундай сифатдан холи бўлолмайди. Бинобарин, вужуд таъкибларидан паноҳ истаган инсон ўзининг романтик дунёсига қочади, ўша салтанат ҳудудида жон саклашга уринади. Бу инсоннинг ҳаёлда яратган идеал дунёси. Бундай дунёни бола ҳам, ўспирин ҳам, ўрта яшар киши ҳам ёки хартайган қол ҳам яратиши мумкин. Бунинг учун қалб эҳтиёжларининг зарбага учраши қифоя. Қолбуки, нуктани вергул қилиш мумкин, аммо вергулни нуктага айлантириб бўлмайди. Менимча, ҳаёт йўлидан мана шундай руҳоний эҳтиёжларга даво топа олмаган Сервантес ҳам ўз идеал дунёсини яратиб, унга «Дон Кихот» деб исм қўйди.

Олижаноб рицар Дон Кихот нега жаконгашталиқни ихтиёр этди? Нега у мудом қулгу, қамситиш, хакорат, қалтаклар остида қолади? Нега у такаббур графлар, бефаросат қарвонсарой хўжайинлари, шафкатсиз зодагонлар, боринги, бахайбат тегирмон паррақлари-ю қиёфасиз маҳбуслар томонидан мағлуб этилаверади? Ҳатто саводсиз, думбултабиат Санчо ҳам унинг устидан қулишга қазм этади. Нега у умри интихосида мағлубиятини тан олади? Ўзининг оламшумул идеалларидан воз қечади? Биз мана шундай бехисоб саволларга қавоб топмагани «Дон Кихот» романининг бадиий асар сифатидаги қийматини асардаги умуминсоний моҳиятини, қолаверса, ўзлигимизни англаш сари қадам ташлаган бўламиз.

Асар мутолаасига илк бор киришган ўқувчи жаҳонгашта рицарни сафаролди

харакатлари тафсилоти билан танишар экан, Дон Кихотнинг келбати, жисмоний имкониятлари, оти ва курул-яроглари хакикий рицарларникига ўхшашини чин дилдан истайди. Аммо унинг бу истаги конмайди ва у жахонгашта рицардан ҳам, Сервантеснинг ўзидан ҳам ранжийди. Ўқиш давомида бу холат кинояга айлана боради. Дон Кихотнинг рицарликка қабул қилиниш хангомалари, тегирмон парраклари билан олиб борган муваффақиятсиз жанглари, ўзи озод қилган махбуслар томонидан қалтақланиши, бегуноҳ сартарошга етказган озорлари ва кўплаб бошқа қуюшқонга сигмайдиган ишлари учун уни осонгина телбага чиқаради. Унинг устидан кула бошлайдики, агар у Дон Кихот тимсолида уддабурон, енгилмас бир баходирни кўрганида бу уни кониктирган бўларди. Чунки инсон зоти ҳар сафар хақиқат билан юзма-юз бўлар экан, ўзида уни ёлўн қиёфасида кўришга мойиллик сезади. Бу соф умуминсоний, соф психологик ҳолатдир. Сервантес эса йирик шахс ва улуг санъаткор бўлгани боис хақиқатни асил қиёфасида кўра билишга ва тасвирлашга ўзида қуч ва маҳорат топа билди. Негаки, чўпдай озгин, гарибона курулланган ўзидан-да ночоррок қирчанги отга суворий бўлиб, дунёда адолат ўрнатиш учун сафарга чиққан, барча оламшумул галабаларини ҳаёлида яратган маликаси Дулсиния Табосскаяга нисор этишни кўзлаган, оқибатда ҳаммага қулғу бўлган телба рицар аслида инсон қалби, шафқатсиз ҳаётдан задалаган идеал дунёси эканини фақат Сервантесгина тан олиши мумкин эди. Инчунун, қалтақлангани, ҳақоратлангани, қулғуга қолганига қарамай, қайта-қайта сафарга отланган Дон Кихот сингари ҳар бир инсон мағлубиятлар нақадар кўп бўлмасин, орзу қилишдан қарчамайди. Ҳар қандай ўқувчи Дон Кихотни бошқачароқ кўришни, роман персонажлари сингари бу телбани ҳақорат ва қалтақларга қўмиб ташлашни истайди, лекин айни пайтда юрагидан кўз ёши ва қон қилқийганини ҳис қилади. Чунки у гамгин қиёфа, телбанамо рицар устидан эмас, ўз орзулари устидан ўз қалби устидан қулаётганини ногаҳон англаб қолади. Шу боис роман нақадар бемаъни, зерикарли туюлмасин унинг мутолаасига тийиксиз бир эҳтиёж сезади.

Сервантес беҳудага Дон Кихот ва унинг собиқ қилувдори Санчо Панса қиёфасида бира-тўла айёр, масҳарабоз ва телба табиатини мужассам этиб тасвирламайди. Чунки бу даҳо адиб одам боласининг нақадар ақлли бўлиб қетганини, эндиликда ўз эзгу идеалларини-да таъқиб қилиши, телба сингари вужуд қиёфасига банди айлашга қодирлигини қуқур англайди ва Дон Кихот тимсолида бадиий талқин этади. Хақиқатан ҳам, одам ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари томонидан маҳв этилади. Бир сўз билан айтганда, инсоннинг идеал дунёси ва реал дунё учрашган нуқтада қожиа—Ҳазрати Инсон қожиаси қайдонга қелади. Шу боис одам зоти юқсақ эзгу идеаллар билан эмас, вужуд истакларига қул бўлиб яшашга маҳқум. Бундай маҳқумият қожеий вазиятнинг ечимсизлиги Сервантес қадрамони қисматида ўз ақсини топган. Қекса Идальга Дон Қиханна ўлими олдидан танлаган йўлининг қатолигини тан олади, ўз идеалларидан воз қечади, авлодларда рицар романларини минбаъд ўқимасликни васият қилиб, (бошқалар назарида ҳуши ўзига қайтиб, аслида мағлуб ва абгор қолида), бу дунёни тарқ этади. Алқисса, «Дон Кихот» инсоннинг нотавон қалби, рўёбсиз орзуларига қўйилган, абадий яшашга маҳқум бир қайқалдирқи, Сервантеснинг ўзи ҳам бундай абадиётни қохламаган бўларди. Лекин таассуфқи, бу қайқал қўйилганига беш юз йилдан ошса ҳам, қилт этмай турибди. Қамон қархпалақи эса тўхтай демайди. Унинг тўхтамаслиқи ҳам аниқ. Қотан, бу қархпалақ парракларига найза тикадиган Дон Кихот ўлган. Инсоният унинг қайта тирилишини қиёмат қадар қутишга маҳқум.

Узок Жўракулов,
филология фанлари номзоди